XALQ DEPUTATLARI SHAYXONTOHUR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 10 - avgust II-62-110-14-205-K/22 Shayxontoxur tumani hokimligi

Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағларини харажатларга йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сон Қонунининг 13-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан ҳамда туман ҳокимлигининг таклифларини инобатга олиб халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар туманларига ташрифлари давомида берилган топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, сайёр йиғилиш баёнлари билан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда олиб борилаётган кенг миқёсдаги оммавий ва ижтимоий тадбирлар, қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини сифатли ташкил этишда амалга оширилаётган тадбирлар бўйича туман ҳокимлигининг таклифлари мақуллансин.

2. Шайхонтоҳур тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28

апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сон қарорига асосан тумандаги хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадларни режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш Жамғармасига 614,3 млн. (олти юз ўн тўрт миллион уч юз минг) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли ва 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сон қарорларига асосан тумандаги ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадларни режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш Жамғармасига 614,3 млн. (олти юз ўн тўрт миллион уч юз минг) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4888-сон қарорига асосан, Тошкент шаҳари Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ишларини молиялаштириш учун туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадларни режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан (5 фоиз миқдори) 204,8 млн. (икки юз тўрт миллион саккиз юз минг) сўм маблағ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси ходимлари иштирокида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги биносининг хавфсизлигини таъминлаш, худуд ва бинога шахслар ва транспорт воситаларининг кириш-чиқиш бўйича назоратини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган қўриқлов хизмати (2022 йил 1 июлдан 30 сентябрга қадар) учун 147,919 млн. (бир юз қирқ етти миллион тўққиз юз ўн тўққиз) сўм маблағлар ажратилсин.

4. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Аширматов), туман Молия бўлими (Ю.Юсупов): мазкур қарорда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш бўйича маблағларни туман

маҳаллий бюджетининг 2022 йилда шаклланган қўшимча маблағлари ҳисобидан ажратилиши ва ижроси бўйича туман ҳокими қарорини тайёрлаб киритсин.

5. Ушбу қарор ижроси назорати халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Э.Кадиров) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси ўринбосари **М.А.Адилов**